

**Муҳаммад Юсуф**



**ҲАЛИМА ЭНАМ  
АЛЛАЛАРИ**

*Шеърлар ва достонлар*


**ТОШКЕНТ  
«ЧЎЛПОН»  
1991**

**Муҳаррир Рауф СУБҲОН**

Ю  $\frac{4803620202 - 42}{360 \ (04) - 91}$  41 — 91

**ISBN 5-8250-0263-4**

**© Муҳаммад Юсуф, 1991 й.**



## О Р З У

Беланчакда қачонгача  
Ётиш мумкин, туриб кетдим.  
Шу баҳорда тилим чиқди,  
Шу баҳорда юриб кетдим.

Вой-бўй, атроф мунча гўзал,  
Ҳаммаёқ гул, ҳаммаёқ боғ.  
Хиёбонда чопгим келар,  
Келар ўйнаб юргим кўпроқ.

Онам бўлса эҳтиёт бўл  
Дейди, ҳозир бола пайтинг.  
Мен мустақил юрмоқчиман,  
Ўз ҳолимга қўйисин айтинг...

Менимча шу — ҳамма ишни  
Болаликдан бошлаш керак.  
Катта-катта орзу билан  
Катта қадам ташлаш керак!



## — К У З

Сувўтлари тўла ирмоқни  
Муздек қилиб қўйди сунбула.  
Ел тортқилаб барқут япроқнинг  
Юрагига солди ғулғула.

Кўкда яна оппоқ турналар  
Аргимчоқлар солиб учишди.  
Биз мактабга чопдик, тилларанг  
Теракзорлар йиғлашга тушди...

\* \* \*

Мадинахон туриб кетди  
Битта-битта.  
Юмшоқ ерда юриб кетди,  
Битта-битта.

Йўлидаги акажонин  
Ўйинчоқ танк,  
Тўпларини суриб кетди  
Битта-битта.

Совуқ темир ариқчага  
Ағанади.  
Ёмғиру дўл уриб кетди  
Битта-битта.

Бўёқлари қуриб кетди  
Битта-битта...  
Стволлари чириб кетди  
Битта-битта.



## + ҚУШЛАР ҲАМ ЙИҒЛАР

Терлар оқди сув бўлиб биздан  
Ва гурсиллаб йиқилди терак...  
Ака, бизнинг қилмишимиздан  
Тунда қушлар йигласа керак.

Она чумчук айланиб кетмас,  
Кўнглига қил сигмаса керак.  
Эски индан ташиб бориб хас,  
Янги инда йигласа керак.

Баланд бўлар уйимиз тоғдек,  
Айвонда устун ул терак.  
Биз яшармиз кўнглимиз чоғдек,  
Шунда қушлар йигласа керак...



## — ОНА АЙИҚ

Кеч куз эди, кузак палласи,  
Етовида икки боласи,  
Она айиқ саҳарлаб тоққа  
чиқди озроқ олма йигмоққа.  
Тоғда олма айиққа текин,  
Түйгүнича ерди ҳам,

лекин

Айиқчалар қаранг шу куни,  
Роса хуноб қилишди уни.  
Гоҳ изғиб кетиб қолишар  
Гоҳ дарада пусиб олишар.  
Она айиқ югуриб сарсон,  
Икковини қидириб сарсон,  
Дара тұла жару тош бўлса,  
Айиқчар ҳали ёш бўлса,—  
Она айиқ бечора дилхун,  
Роса хуноб бўлди-да шу кун...  
Үйлаб-үйлаб Айиқ ҳарсиллаб,  
Четроқдан бир чуқурча ўйди.  
Чуқурчага икковин ташлаб,  
Устидан тош бостириб қўйди:  
Яхши гапга тушунмаганлар,

Мана сизга ярашиқ жазо.  
Шундай, чоҳда туратуринглар,  
Энди қайтиб келгунича то...  
Анча олма тўплади Айиқ,  
Болакайлар бир тўйса-тўйсин.  
Тўнгичи сал жанжалкаш, қийиқ,  
Майли унга сал кўпроқ бўлсин.  
Тоғда олма Айиққа текин,  
Сал инсоф ҳам керак-да лекин.  
Она Айиқ кун ботган пайти  
Айиқчалар ёнига қайтди...  
...Харсангтошни кўтариб азот  
У бўкириб юборди шу дам.  
Тошдай қотиб ётарди, ҳайҳот  
Айиқчанинг иккаласи ҳам...

## УЧ ОГАЙНИ БОТИРЛАР

*Марҳаматлик Офтоб момо урушида уч ўғлидан жудо бўлган. Кўнглим сезади, ҳеч бўлмаса биттаси тирик, деб умид қилиб яшайди...*

Уч огайни ботирлар,  
Европада ётурлар...  
Йигит бўлиб йигирмага  
Кирмаган баҳодирлар...

Сатторқули сардори,  
Сотволдиси шунқори,  
Собири беозори  
Гулга тўлсин мозори...

Юрт билади, эл билар,  
Эл билмаса  
Кел,  
билар  
Виждон — олий ҳакам бор!

Шод кунлар ким қад керди,  
Ёв келганда панд берди.  
Уч огайни ботирлар,  
Юртга чин фарзанд эрди.

Нозик кўнглим, гул кўнглим,  
Эзгуликка қул кўнглим.

Унутма сен, бил кўнглим —  
Уч оғайни ботирлар,  
Европада ётурлар!

Уч оғайни акам бор:  
Бирин оти — Жасорат.  
Бирин оти — Шижаат.  
Бирин оти — Матонат...

Шеърим —  
Шу акам учта,  
Акам бўлиб урушда —  
Қонга бўялган еrim.

Бир томчиси — Адолат.  
Бир томчиси — Садоқат.  
Бир томчиси — Саодат.  
Қолганлари — ривоят...

\* \* \*

Уч оғайни ботирлар  
Қайтиб келаётирлар.  
Офтоб момо, уйингни  
Тўлдириб баҳодирлар!

— Қайда эдинг, Сардорим?  
— Урушда эдим, Она.  
— Қайда эдинг, Шунқорим?  
— Урушда эдим, Она.  
— Сен-чи? Сен, Беозорим?  
— Урушда эдим, Она...

Офтоб момо турар лол:  
Турар тирик сукутлар —  
Йигирмага кирмасдан,  
Жангга кетган йигитлар.

Вой, менинг қиёқ жоним,  
Вой, менинг бурган жоним.  
Юлдуз учса кўкларга  
Термулиб юрган жоним.

Бўғчадаги майизим,  
Токчадаги хатларим,  
Қизлар ўтса кўчадан,  
Кирмаган ниятларим!..

Офтоб момо тураг лол,  
Туш экан хаёллари.  
Остонадан ўтмасдан  
Ортга қайтар боллари.

- Қайга кетдинг, Сардорим?
- Урушга-да, Онажон.
- Қайга кетдинг, Шунқорим?
- Урушга-да, Онажон.
- Сен-чи? Сен, Беозорим?
- Урушга-да... Онажон.

Уч оғайнини ботирлар,  
Европада ётурлар.  
Офтоб ўглин кўтариб  
Юрмаган баҳодирлар...

## ҚИЗИЛ ИЗТОПАРЛАР

*Пионер болалар ҳар йил  
кузда Офтобнинг томи-  
ни суваб беришади. Қи-  
зил изтопарлар... Улар  
момонинг ҳеч бўлмаса  
битта ўғли тирик қол-  
ган деб умиð қилиб,  
дунёнинг ҳамма бурча-  
гига хат устига хат йўл-  
лашади...*

Қизил изтопарлар —  
Галстукли чопарлар.  
Мана Сизга  
Сўнгги хабарлар...  
Оддий аскар —  
Сотволди Сафаров...  
Оддий аскар —  
Собиржон Сафаров...  
Пулемётчи —  
Сатторқул Сафаров...  
Бу қандай гап ахир?  
Қачон тугар,  
Бу узун саф, ахир?  
Қанча ёзай яна  
Қўлларим қавариб?!..  
Волга гулчамбарлар  
Остида оқар,  
Зиёратгоҳ бўлди  
Бресть қалъаси,  
Военком қирқ ўйллик  
Орденни тақар,  
Қаердасан,

Офтоб,  
кампир  
боласи?!...  
Ким мамот жангиды  
Тик турган бўлса,  
Тўтиё кўзларга  
Бугун бир соч толаси.  
Ленинграддамисан,  
Сталинграддамисан —  
Қаердасан,  
Офтоб  
кампир  
боласи?!.  
Қизил изтопарлар,  
Ўқир хабарлар:  
Тунда шаҳар  
Душман қўлида эди...  
Тонгда уни  
Бизниkilар олди...  
Оддий аскар  
Сафаровлар  
Бедарак йўқолди...  
Шеърим —  
Сафаровсан бугундан бошлаб,  
Ва ўзини дзотга ташлаб,  
Қизил қонга бўялган — еrim.  
Үндан томган барча  
Сўзлар меники.  
Соғиниб хат кутган  
Кўзлар меники  
Фигонлар меники,  
Бўзлар меники.  
Қизил изтопарлар,  
Асл укаларим:  
Кунда изланг,  
Ватан қаҳрамонларини  
Тиндирманг уларнинг

Қирғин йиллардан,  
Қўлма-қўл сизларга  
Узатган жонларини!  
Айтсин,  
Сизлар ёзган,  
Ёзмаган хатлар  
Айтсин,  
Қизил майдон  
Мажнунтоллари:  
Юртимдаги ҳамма  
Номаълум Солдатлар —  
Марҳаматлик  
Офтоб  
кампир  
болалари!...



## ҲАЛИМА ЭНАМ АЛЛАЛАРИ

*Достон*

Хўмрайса кўк хўрсинар,  
Кулмаса кун чиқмайди.  
Эл йиғласа эр йигит  
От устида ухлайди.

Эл йиғласа эр йигит  
Кенг жаҳонга сифмайди.  
Ёв кўксини ўртаган  
Дод, устида ухлайди.

Қилич унга ўтмайди,  
Ўқлар уни ииқмайди.  
Ииқилса ҳам бағри қон  
Ет, устида ухлайди.

Йўқлаб борсанг кейин, юр,  
Тур десанг, гап уқмайди.  
Она ерни қучоқлаб  
Шод, устида ухлайди...

Пичир-пичир қилманглар.  
Қиқир-қиқир кулманглар.

Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар.

\* \* \*

Уни қаранг, от ўйнатиб,  
Навкар тўла қўлтиғи.  
Эргаш понсад келади  
Елкасида милтиғи.

Эргаш понсад, бери кел  
Гижинглатиб отингни.  
Ўйинг қуйгур тошбағир,  
Чолимни сен отдингми?..

Бир кун юлиб оларман,  
Эргаш, қора, юзингни.  
Ўғилларим улгайса,  
Ўйдирман кўзингни.

Қизил аскар, кел тезроқ,  
Босмачининг зулмидан,  
Босмачининг измидан,  
Халос бўлсин эл тезроқ...

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар.

\* \* \*

Эргаш Мергаи увлади,  
Қашқар бўлиб ув-в-увв...  
Улугтогдан қишлоқча  
От ёгилди дув-дув.

Аскар бола, Мард бола,  
У ҳам одам-ку-ку.  
Қилич ботиб кўксига  
Ётар, инграб, сув-сув...

Гузар ари инидай,  
Ғувиллайди ғув-ғув:  
Менинг чолим — осилган,  
Менинг ўғлим — отилган  
Менинг қизим-ку-ку...

Сут кўр қилгур, сени ҳам  
Она туққан-ку-ку.  
Илойим, бу гуноҳинг  
Қонинг билан юв-юв!..

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир қулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар.

\* \* \*

Уни қаранг, уни қаранг,  
Маҳаллада энг «фаранг»,  
Энди келар Тўхтовуш,  
Оёғида кўк ковуш.

Тўхтовушни сайратмай,  
Танга ташланг қўлига.  
Чиқариб қўйинг етаклаб,  
Мингтепанинг йўлига.

Бориб бозор айланиб,  
Томоги сал мойланиб,  
Қайтиб келсин Тўхтовуш,  
Оёғида кўк ковуш...

Тўхтовушнинг уйи йўқ —  
Ёқиб кетган босмачи.  
Тўхтовушнинг чоли йўқ —  
Чопиб кетган босмачи.  
Қора рўмол бошига.  
Ёниб кетган босмачи.

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар:  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар.

\* \* \*

Олисларда от кўрдим,  
Ғирот экан, қарасам.  
От устида ўспирин,  
Саллот экан, қарасам.

Саллот бола исмини,  
Сергей экан, сўрасам.  
Камбағалга жонини  
Бергай экан, сўрасам.

Томлардаги қизғалдоқ  
Байроқчага ўхшайди.  
Қизил аскар қишлоқча  
Босмачини қўймайди.  
Эргаш понсад, тоқقا қоч  
Кунинг битиб борадур.  
Юртга зуғум қилганинг  
Икки юзи қародур...

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар.

\* \* \*

Қатор-қатор сафана,  
Бойўглизор сафана  
Борай десам, ётишар —  
Боболарим ағанаб..

Бу дунёда кимим бор,  
Бир кўришга қўнглим зор.  
Сўрай десам, ётишар —  
Момоларим ағанаб...

Аламзада қўнглимни,  
Куйлаб зада қўнглимни  
Ёрай десам, ўтишар —  
Огаларим ағанаб.

Ой нурида ханжардек  
Ялтирайди жилгалар.  
Аждодимни эсласам,  
Бўғзимга жон сиргалар...

Пичир-пичир қилманглар,  
Киқир-киқир қулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар...

\* \* \*

Энажонин ташлади кетди,  
Кўзларини ёшлади кетди.  
Номус жангга бошлади кетди —  
Қизил аскар ўғилчам...

Аммо қонга ботиб бир куни,  
Ёриб келди оти бир куни.

Олиб келди оти бир куни —  
Қизил аскар ўғлимни.

Осмонларда ой тўлгани шу,  
Қароқчининг бой бўлгани шу.  
Кўзёшимни сой бўлгани шу —  
Қизил аскар ўғилчам.

Эргаш ўлсин сўймай боламни,  
Дийдорига тўймай боламни.  
Қаро ерга қўймай боламни —  
Қизил аскарлар ўғлимни...

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар...

\* \* \*

Ёмон бўлди, ёмон бўлди.  
Бир жангки беомон бўлди.  
Юртинг уруш майдон бўлди...  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Тупроқ учиб осмон бўлди,  
Осмон чўкиб пайхон бўлди.  
Юлдузлар ҳам ҳайрон бўлди  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Осмонда ой тўлмай қўйди,  
Офтоб ҳам кулмай қўйди.  
Акангдан хат келмай қўйди...  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Ҳамма бир тан, бир жон бўлди,  
Ўтиб бўлмас ўрмон бўлди .

Бир-бирига дармон бўлди.  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Вагон-вагон қорахатлар,  
Бағрим тўла жароҳатлар.  
Қўзни тешар важоҳатлар...  
Ухла, болам, ухлай олсанг...

Турди отанг, ётди отанг.  
Чопди отанг, отди отанг.  
Қизил қонга ботди отанг,  
Бобонгни уйғотди отанг...  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Оналар ўй суриб кетди,  
Томоқлари қуриб кетди.  
Алла тинглаб бари бола  
Бешигидан туриб кетди.

Ухла, ўғлим, ухлай олсанг.

\* \* \*

Юртинг сўраб тиғ билан,  
Келмади не жаҳонгир.  
Ҳаммасига бир жавоб,  
Ҳаммасига бир тақдир —  
Улуғ жанг кетаётир.

Сен ҳам бугун бировин  
Мўйловига тупиргин.  
Тупиргину дилинг қон  
Майдон сари от сургин —  
Улуғ жанг кетаётир.

Киндик қонинг тўкилган  
Юртингга жон фидодир.

Энди маълум бўлади,  
Ким қўрқоғу, ким ботир —  
Улуғ жанг кетаётир.

Сени руҳи қўлласин,  
Боболаринг баҳодир —  
Улуғ жанг кетаётир,  
Улуғ жанг кетаётир!...

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар.

\* \* \*

Чимилдиғу чимилдиқ,  
Тортидиу йигилди.  
Кимнинг қоши уйилди —  
Озодаҳон келиннинг.

Осмондаги қалдирғоч,  
Ўқ тегмасин тағин, қоч.  
Панадан куйлаб кўнглин оч —  
Озодаҳон келиннинг.

Ажриқ қучган анқизман,  
Сувга тушган ялпизман.  
Топган гапи: ёлғизман —  
Озодаҳон келиннинг.

Тупроқ дала йўлида.  
Борар-келар, ўйида.  
Бир сурат бор қўлида —  
Озодаҳон келиннинг.

Тугилади муштлари,  
Фронт кезар ҳушлари.

Тутқич бермас тушлари —  
Озодахон келиннинг.

Сувга чиқса бекаси,  
Силкинади елкаси.  
Тўлмайди ҳеч кўзаси —  
Озодахон келиннинг.

Кўзларига дунё тор,  
Сандигида бир хат бор.  
Бир қишлоқдан сир хат бор —  
Озодахон келиннинг...

Пичир-пичир қилманглар.  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар.

\* \* \*

Ботир ўғлим, қайдасан,  
Ҳеч қўл етмас жойдасан.  
Тўхтасинжон<sup>1</sup>, айланай,  
Сувга чўккан болам-эй...

Қодир ўғлим, қайдасан,  
Шарқираган сойдасан.  
Тўхтасинжон, айланай,  
Сувга чўккан болам-эй...

Тинмас онанг нолиши,  
Сув ўтлари болиши.  
Тўхтасинжон, айланай,  
Сувга чўккан болам-эй...

---

<sup>1</sup> Тўхтасин Мирзаев — Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

Тупроқда жой йўқмиди,  
Қирғоқда жой йўқмиди.  
Тўхтасинжон, айланай,  
Сувга чўккан болам-эй...

Дарёга бош эгайми,  
Сувларга қон йиғлайми.  
Тўхтасинжон, айланай,  
Сувга чўккан болам-эй...

Марҳаматда туғилган.  
Днепурга кўмилган.  
Тўхтасинжон, айланай,  
Сувга чўккан болам-эй...

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир қулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар.

\* \* \*

Кўкка қаранг, кўк доим  
Бир қўшиқни куйлади:  
Марҳаматлик дўстига  
Хиёнатни билмайди...

Марҳаматлик ёвин ҳам  
Елқасидан отмайди.  
Отиб ботир аждодин  
Рұҳини қонатмайди...

Ерга қаранг, момо ер  
Бир қўшиқни тиндирмас:  
Бу эл қизи қошига  
Ўсма қўйса — билдирмас.

Бу эл ёрини,  
Кутар қирқ йил тўлгунча.  
Қирқ йил қутар, сўнг тагин  
Кутаверар... ўлгунча!..

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар.

\* \* \*

Хушхабарчи чирогим,  
Тинмас темир оёғим,  
Синмас темир оёғим  
Ўғлимдан хат келтиргин.

Мен боламдан йироқман.  
Интизорман, илҳақман.  
Бир хабарга муштоқман  
Ўғлимдан хат келтиргин.

Чопиб чиқай йўлингга,  
Бир ўпай, тоқ қўлингдан.  
Би-ир ўпай, соғ қўлингдан  
Ўғлимдан хат келтиргин.

Бугун яна кўрдим туш:  
Кўкраклари қон эмиш,  
Кўйлаклари қон эмиш...  
Ўғлимдан хат келтиргин.

Жанг қизиган он эмиш,  
Турган эмиш қўли мушт.  
Қачон тугар бу уруш?..  
Ўғлимдан хат келтиргин.

Норимдан-ку кўнглим тўқ,  
У тик кечар олов-ўқ.  
Лекин нега хабар йўқ?..  
Ўғлимдан хат келтиргин.

Алпим, мард майдоним,  
Элга кўкси қалқоним.  
Менинг Саидаҳматжоним  
Ўғлимдан хат келтиргин...

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар.

\* \* \*

Уруш бормоқда, уруш,  
Ой бўлсанг ҳам кўқдан туш.  
Қани, бўл эй, тонг, ёриш —  
Райим раис келяпти.

Тутлар, силжиб йўл беринг,  
Ҳорма деб, бир ҳол сўринг.  
Толлар, суяб қўл беринг —  
Райим раис келяпти.

Тўкилинг, ғўзабарглар.  
Пахта туфинг, кўсаклар.  
Пахта туфинг, кессаклар —  
Райим раис келяпти.

Беҳаловат, бетинлар.  
Жони қаттиқ метинлар.  
Туринглар, ҳей хотинлар!—  
Райим раис келяпти..

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ботирларим, ухланглар  
Райим раис келяпти.

\* \* \*

Отангдан қорахат олдим.  
Ҳеч битмас жароҳат олдим..  
Энди қайдан тоқат олдим...  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Ганим пойлар эшигингда,  
Жонинг пойлар эшигингда.  
Илон ўйнар бешигингда...  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Мен кун бўйи қўш тортаман,  
Тош тўкаман, тош ортаман.  
Ёш тўкаман, ёш артаман...  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Қизил вагон, узун вагон,  
Тутун қилиб изин вагон,  
Борар тикиб кўзин вагон  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Кўкда қаро булут кўрдим,  
Бағри яро бургут кўрдим.  
Кўзida гина, ўгит кўрдим...  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Суйиб исминг Санжар дедим,  
Қайсар дедим, ўжар дедим.  
Ёстифингга ханжар қўйдим...  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

Онанг хаёл суриб кетди,  
Томоқлари қуриб кетди.  
Нега чўчиб туриб кетдинг?..  
Ухла, болам, ухлай олсанг.

\* \* \*

Кўчамизда кун кулди,  
Ўтди хавфу хатарлар.  
Берлинга қувиб кетди  
Ёвни ботир аскарлар!..

Берлин йўли узоқдир,  
Борар сўнгги оғир жанг.  
Тўнғиз Гитлер қалайсан,  
Тўнғиз Гитлер ҳолинг танг!..

Офтоб теккан айвоним,  
Хўрсинади,вой, жоним.  
Гўжа ичган «бой» жоним,  
Балчиқ кечган лой жоним...

Бўзим тинсин-эй, жоним,  
Кўзим тинсин-эй, жоним.  
Бу кунларни унутсам  
Бўйним синсин-эй, жоним!..

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар.

\* \* \*

Уруш тамом бўлдию  
Тинмади бир жонларим.


Қийнайсиз, гап уқмайсиз  
Тўққизтасиз, болларим.

Ким келди деб бўйлайсиз,  
Бўлди десам, қўймайсиз.  
Карнай бўлиб йиглайсиз.  
Тўққизтасиз, болларим.

Ўсал бўлди жонларим,  
Сўгал бўлди — холларим.  
Бир сандалга сифмайсиз,  
Тўққизтасиз, болларим.

Бу ҳовлида энди энг  
Каттасиз, энг каттангиз.  
Ҳам акасиз, бизга ҳам  
Отасиз энг каттангиз...

Пичир-пичир қилманглар,  
Қиқир-қиқир кулманглар.  
Ҳа, энаси айлансин  
Ботирларим, ухланглар...



## — ТЕМИРЛАР НИДОСИ

*Достон*

Осмонни титратиб самолёт учса, мен йиғи овозини эшитаман. Самолёт учяптию, ҳўнграб йиглаб кетяпти.

Учиб кетаётган снаряд ҳам ғингшиб йиглаётгандек. Ер остида, сув остида, ўрмонлар остида қанотли ва қанотсиз ракеталар юм-юм йиглаётгандек.

Самолёт мен чалғи бўлмоқчи эдим, деб зорланаётгандек.

Танклар — комбайн, тўплар — темир кўприк бўлмоқчийдик, деб зорланаётгандек...

Темир ҳам гапирадими, дегувчиларга эса ушбу достоним ҳадя. Ҳа, темир ҳам кўмир ҳам гапиради. Фақат биз одамлар буни эшитмаганга оламиз.

Одамлар, менинг олти ойлик қизчам бешикда ухляяпти. У ракеталар, атомлар, нейтронлар нималигини билмайди. Шунинг учун ҳам пишиллаб ухляяпти.

Темирлар эса йиглаётпти...

Забоним йўқ,

Тилим йўқ,  
Дардим кимга айтурман.  
Менга тегма  
Эй одам,  
Сенга тегмай ётурман.  
Ўз ҳолимга қўймасанг,  
Чўққа тоблаб тўймасанг,  
Темир жисмим қўлингга,  
Қилич бўлиб қайтурман...  
Қора қузғун,  
Қуш бўлиб,  
Денгизларда сузарман.  
Пўлат бўлиб,  
Зирҳ бўлиб,  
Осмонларда кезарман.  
Ўзинг топган балога,  
Қайга бординг даъвога,  
Қийин бўлса ўзингга,  
Мен нима ютқазарман.  
Кенг дунёда яйрамай,  
Боланг йиглар чирқираб,  
Нишон пойлаб ётибман,  
Темир жоним зирқираб.  
Мен ажалман,  
Қиронман.  
Атомман,  
Нейтронман,  
Заминни сув босмасин,  
Қўзингдан ёш тирқираб...  
Мен ҳам ёруғ оламни  
Хандон кўргим келади,  
Деҳқон билан қирларда  
Буғдой ўргим келади  
Ўзинг мени ўқ қилдинг,  
Орзуларим йўқ қилдинг,  
Энди нима бўлади,  
Энди нима бўлади?

Ер айланар кўксига  
Сигмай жароҳатлари.  
Айтинг, менда нима айб  
Дунё қорахатлари?..  
Эй, Масков солдатлари,  
Эй, Бресь солдатлари,  
Темирни ҳам йиглатган  
Инсонларнинг мардлари!  
Ҳақсизлик ўтган жойда  
Тошлардан ҳам садо бор,  
Дунёда жисмларга  
Ном қўйишида хато бор.  
Асли темир биз эмас,  
На пўлат,  
На мис эмас,  
Темир бўлсан, дилимни  
Даҳшат қандай вабо бор?..  
Темир бўлсан ,дилимни  
Ўртармиди савёллар,  
Хирмон тўла болалар,  
Пайкал тўла аёллар.  
Машриқда танк мен эдим,  
Мағрибдаги кетмон ҳам  
Ўрмондаги тўплар ҳам  
Ўпқондаги миналар,  
«Катюша»ни опичлаб  
Зир елган машиналар,  
Дзотлар ҳам,  
Дотлар ҳам  
Кема,  
Самолётлар ҳам,  
Беш колхознинг  
Ёлғизи —  
Трактор ҳам мен эдим,  
Темироёқ,  
Инвалид  
Бригадир ҳам мен эдим!...

Уфқларга туташган  
Далалардан айтайми,  
Омочда от ниғташган  
Болалардан айтайми,  
Тикка туриб ухлашган  
Момолардан айтайми?..  
Ким ишонмас  
Темирлар  
Йигламас, деб — йиглайди.  
Сувга ҳам ботиласан,  
Лойга ҳам ботиласан,  
Бир туп ғўза билмасдан  
Чопилса — отиласан,  
Уйингдан битта кўсак  
Топилса — отиласан,  
Ким айтади темирлар  
Йигламас, деб — йиглайди  
Темирлар йиглаганда  
Тошлар эриб тинглайди.  
Мен йигладим,  
Чоллар ҳам  
Фронт кезиб юрганда,  
Қизлар кесиб кокилин  
Милтиқ ушлаб турганда,  
Фарҳод ГЭСни қурганда,  
Фарҳод ГЭСни қурганда...  
Мен йигладим,  
Ловуллаб  
Ёниб турган қўйнимдан  
Ўн беш тилда  
Бир нидо  
Янграган кунда — Ватан!  
Ўққа учиб ўлмаган,  
Дор тагида куйлаган,  
Бепоён мамлакатнинг  
Мардларига бериб тан.  
Мен йигладим,

**Фашистлар**  
Гўдакни ҳам отганда,  
Гоҳ одам деб юрганим  
Ўз юртини сотганда,  
Тили бошқа болам, деб  
Юракдаги нолам, деб  
Тунлари ухлатганда,  
Саҳарлар уйготганда,  
Ўн олтита боласин  
Бир темирчи Тошканда!..  
Уруш,  
Эй одамфуруш,  
Сенга гўдак нимадур?  
Замин узра  
Чақалоқ  
Яйраб кўкрак эмадур,  
Сен уни кўролмайсан,  
Қон ичмай туролмайсан  
Гитлермисан,  
Наполеон?  
Шоҳмисан,  
Қиролмисан,  
Энг ваҳшат қуролмисан,  
Энг даҳшат қуролмисан,  
Ҳаммани қиролмайсан,  
Ҳаммани қиролмайсан!..  
**Аммо**  
Темир юрагим  
Қон йиглаган дала бор,  
Хатинда бир қўрғон бор,  
Волгада бир қалъа бор —  
Бўйдор жангчи,  
**Қўлида**  
Миттигина бола бор,  
Болаларни қийнашга  
Фашист кўзи ола бор...  
Ўз уйида

Улгайган,  
Йигит бўлиб етилган,  
Қўндоқ ёриб қовоғин  
Ҳайдабгина кетилган,  
Қул мисоли сотилган,  
Фил мисоли отилган  
Болажонлар айланай  
Уруш,  
Мен нима қиласай?  
Минага учиб ўлган  
Очликдан шишиб ўлган  
Гоҳо қор кўчиб ўлган  
Йўлга кўз тикиб ўлган,  
Кутиб,  
Ичикиб ўлган —  
Болажонлар,  
Айланай,  
Уруш  
Мен нима қиласай?  
Омоч эдим,  
Эридим  
Милтиқ бўлиб керилдим  
Қузғун бўлиб  
Ўқ бўлиб,  
Осмонлардан ёғилдим.  
Мен ҳам ерни соғиндим  
Мен ҳам ерни соғиндим  
Болажонлар айланай  
Уруш-да, нима қиласай?!.  
Темир бўлсан,  
Сиз учун  
Темир бўлдим, қўрқмадим  
Ўтга кирсан  
Ёнмадим,  
Сувга тушсан,  
Чўкмадим,  
Қонингиз мен тўкмадим,

Болажонлар, айланай  
Уруш,  
Мен нима қилай?  
Забоним йўқ,  
Тилим йўқ,  
Дардим кимга айтурман.  
Тегинмасин одамзот  
Унга тегмай ётурман,  
Ўз ҳолимга қўймаса,  
Ўтга тоблаб тўймаса,  
Темир жоним қўлига  
Қилич бўлиб қайтурман...  
Қузғун бўлиб,  
Қуш бўлиб,  
Осмонларда кезарман,  
Пўлат бўлиб,  
Зирҳ бўлиб,  
Уммонларда сузарман,  
У менинг тинчим бузса,  
Мен дунёни бузарман!  
Шарқу Ғарбга баробар  
Офтоб чиқар ярқираб...  
Нишон пойлаб ётибман  
Юракларим зирқираб,  
Икки кўзи мендадир  
Ер айланар чирқираб,  
Мен ажалман,  
Қиронман,  
Атомман,  
Нейтронман,  
Оlamни сув босмасин,  
Кўзимдан ёш тирқираб...

Оғироёқ хотини тонг саҳарда туриб инқилаб юриб ёпиб берган нонни белбоғига тугиб дехқон даласига жўнайди. Унинг эзгу мақса-

ди ягона — уруғ сочиб, дон йигиб олиш, пахта экиб, дунёни оққа белаш.

Қари муаллим болаларга шеър ўқиб беряпти. Инсоний туйғулар ҳақида шеър. Унинг мақсади ҳам яхшилик уругини сепиш.

Денгизлар ортидаги афсонавий бир диёр одамлари мухбир билан жилмайиб гаплашмоқда. Уларнинг ҳам тилаги ягона — тинч-тотув яшаш.

Умуман, уруш кимга керак ўзи?!



## МУНДАРИЖА

Срзу . . . . .	3
Куз . . . . .	4
«Мадинахон» . . . . .	5
Құшлар ҳам йиғлар . . . . .	6
Она айиқ . . . . .	7
Үч оғайни ботир . . . . .	9
Қызил изтопарлар . . . . .	12
Ҳалима энам аллалари (достон)	15
Темирлар нидоси ( <i>достон</i> ) . . . . .	30

*Литературно-художественное издание*

*Для детей дошкольного возраста*

**МУҲАММАД ЮСУФ**

**КОЛЫБЕЛЬНАЯ БАБУШКИ**

**Стихи и поэма**

*На узбекском языке*

Мусаввир *A. Сайдбердиев*

Расмлар муҳаррири *O. Муинов*

Техник муҳаррир *L. Хижова*

Мусаҳҳиҳ *P. Файзиев*

**ИБ № 0387**

Босмахонага 22.11.90. берилди. Боснинг 28.03.91. руҳсат эттиди. Би ични  $84 \times 108^{1/2}$ .  
Босмахона қоғози. Адабий гарнитураси. Юқори босма усула босилди. Шартли  
босма табоқ 2,10. Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 1,34. Нашриёт табоқ ҳисоби  
2,52. Нусха а Шартнома № 54—90. Буюргима № 4153. Баҳоси 15 т.

«Чўлон» нашриёти. 700083, Тошкент — 83, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

Узбекистон ССЖ Давлат матбуот қўмитасиFaфур Гулом номидаги наш-  
риёт-матбаа бирлашмасининг 1-босмахонаси. 700002. Тошкент — 2, Сағбон  
кўчаси, 1-бози берк кўча, 2-йй.

**Юсуф, Мухаммад.**

**Ю 91** Ҳалима энам аллалари: Шеърлар ва достонлар //Мактабгача бўлган ёшдаги болалар учун.—Т.: Чўлпон, 1991.—40 б.

Она алласи болани тарбиялайди. Бола ўз тупроғи учун жонини фидо қиласа, бу — жамики Ватанинг нидосига айланыб кетади. Нидо ҳам алладир. Алла эшитмаган одам ўз фарзандига Ватан туйгусини сингдира олмайди.

Мухаммад Юсуфнинг ушбу китоби ана шундай теран туйгулар мажмуасидир.

**Юсуф, Мухаммад. Колыбельная бабушки Халимы.**